

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА КУНГАБОҚАР ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.

Мухаммаддџоноџ, Шахсултана Бегдџон ѓгли,

Шахобиџдинов Тиллавоџди Камоџиддин ѓгли

Андиџон қишлоқ хўџалиги ва агротехнологиялар институтиталабалари

Ходџаева Нодира Оџилоџна-

Андиџон қишлоқ хўџалиги ва агротехнологиялар институти ассистенти

Аннотация: *Ушбу мақола* шўрланган ерлардан самарали фойдаланишда тупроқ шўрига нисбатан чидамли кунгабоқар усимлигини уетиштириш ва бошқа экинларни экиш ,шу билан бирга ушбу тупроқларда такрорий экин сифатида тарик, амаранта, африка қўноғи каби ўзимизда ва четдан интродукция қилиб олиниб келинаётган экинларни экиш ,улардан олинадиган ҳосилдорлик хакида маълумотлар берилади .

Калит сўзлар: шўрланган тупроқ, кунгабоқар ўсимлиги, еғ-мой, суғориладиган майдонлар, унимдорликги паст тупроқлар, ҳосилдорлик

Кунгабоқар уруғининг таркибида 29-56 % мой ва 15 % оксил бўлади. Унинг мойи маргарин, маянез, балиқ ва сабзавот консервалари, кандолат махсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади. Кунгабоқар мойи фақат ёғларни ўз ичига олган махсулот бўлиб, унинг таркибида оксил ва углеводлар мавжуд эмас. Ушбу мойнинг таркибини асосан олеин ва линолен ёғ кислоталари ташкил этади. Линолен кислотаси инсон организми учун жуда муҳим элемент ҳисобланади, унинг улуши кунгабоқар мойида 46 % дан 62 % гача этади. Хайвонларнинг ёғи қандай бўлишидан қатъи назар, қовуриш жараёнида у зарарли хусусиятларга эга бўлиб, унда кансерогенлар ҳосил бўлади. Бунинг сабаби хайвон ёғида тўйинган ёғ кислоталарининг мавжудлигидир.

Шўрланган тупроқлар- таркибида сувда осон эрийдиган зарарли тузлар 0,1% ёки сувли сўримдаги қуруқ қолдиқ миқдори 0,25% (0,3%) дан кўп бўлган тупроқлар. Шўрланган тупроқлар, асосан, қуруқ иқлимли мамлакатлар

(Покистон, Ҳиндистон, Хитой, АҚШ, Ўрта Осиё, Жанубий Америка, Африка, Австралия ва бошқалар) да катта-катта майдонларда, шунингдек, шўрланмаган тупроқлар орасида эса, кичикроқ массивларда доғ кўринишида тарқалган. Ўрта Осиё, Жанубий Қозоғистондаги суғориладиган майдонларнинг ярмидан ортиғи, ўзлаштириладиган ерларнинг 75-80%га яқини турли даражада шўрланган.

Тупроқ шўрланишининг салбий оқибатлари олдини олиш учун суғориш режимини тўғри таъминлаш, кучли шўрланган тупроқларни катта нормаларда ювиш, шўрланиш жараёни йўналишини тубдан ўзгартириш учун дренажлар ёрдамида грунт сувларнинг сунъий оқимини вужудга келтириш .

Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 июндаги 03/1-58-сонли “Ғалладан бўшаган майдонларда мойли экинларни жойлаштириш тўғрисида” ги топширигига кўра кунгабоқар экин майдонларини кенгайтириш, уларни асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш орқали йуқори ҳосил олиш режалаштирилган[1].

Ушбу маҳсулотлар орасида ёғ-мой маҳсулотлари олинадиган мойли кунгабоқар экин майдонларини кенгайтириш муҳим масалалардан бири сифатида қаралмоқда. Кунгабоқар уруғининг таркибида 29-56 % мой ва 15 % оксил бўлади. Унинг мойи маргарин, маянез, балиқ ва сабзавот консервалари, кандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ишлатилади. Кунгабоқар мойи фақат ёғларни ўз ичига олган маҳсулот бўлиб, унинг таркибида оксил ва углеводлар мавжуд эмас. Ушбу мойнинг таркибини асосан олеин ва линолен ёғ кислоталари ташкил этади. Линолен кислотаси инсон организми учун. Кунгабоқар кучсиз шўрланган тупроқлар билан бир қаторда ўртача шўрланган тупроқлар шароитида ҳам яхши ўсиб ривожланиш имкониятига эга бўлган ўсимликдир. Аммо бунинг учун ўсимликни дастлабки ўсиш ва ривожланиш давридаёқ тузга чидамлилигини ошириш (адаптацилаш) ёки мослашувчанлигини кўтариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади [3]

Республикада охириги 20-25 йил давомида ҳар хил сабаблар билан жуда катта экин майдонлари деҳқончилик тизимидан чиқиб кетмоқда. Бунинг сабаблари сифатида жойларда ишчи кучи, техника ва бошқа воситаларнинг етишмаслиги, энг муҳими ерга бўлган эътиборсизлик десак янглишмаймиз. Маълумки, мелиорацияда суғориладиган ер майдонларини кўп йиллар давомида қаровсиз, экин экмасдан очиқ қолдириш тупроқлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади, муҳими уларни қайтадан шўрланиши, ботқоқланиши, чўлланишига олиб келади [5,6].

Ушбу экинлардан ҳатто шўрланган ерларда ҳам 400-500 ц/га, ҳатто унда кўп ҳосил олиб Республика чорвачилигини кўтаришда ҳисса кўшиш мумкин. Энг муҳими минглаб гектар кишлок хўжалик оборотидан чиқиб кетаётган ерларни қайтадан деҳқончилик тизимига киритилади. Бу бугунги куннинг долзарб масалаларидан Кўйилган муаммони ҳал этишда кучсиз, ўртача ва кучли шўрланган ерларда ҳисобланади

Шунинг учун, тажрибаларимизда ишлаб чиқариш ҳамда саноат талабларига жавоб берадиган ва турли даражада шўрланган ерларда етиштирилган, Кунгабоқар уруғининг мақсад қилиб олинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, халқимизда кунгабоқар мойига талаб ортиб бораётган бир пайтда деҳқончиликдан четга чиқиб қолаётган шўрланган ерлар устида ишлаб, кунгабоқар ўсимлигини етиштирсак республикамиз иктисодиёти-ривожига ҳисса кўшган боламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон
2. Атабаева Х.Н. Усимликшунослик. - Т.: Мехнат, 2000.
3. Норқулов У. Шўр ерларда етиштириладиган кузги буғдойни суғориш тартиблари. Тошкент-2018.
4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент-2007 й. 147 б.

5. Авлакулов М., Аликулов Г.Н. Повышение эффективности использования земель, подверженных засолению. //Новый университет. №11-12 (45-46), г. Йошкар–Ола, 2015 г. 17-20с.

6. Васильев Д.С. Подсолнечник. - М.: Агропромиздат, 1990 Республикаси қонун Хужжатлари тўплами, 2017 й. №-6,70-модда.

8. Абдуллаев С., Тошқўзиев М. Тупроғимиз унумдорлиги талабга жавоб берадими? “Халқ сўзи” газетаси. Т. 2003. 25март. №66.

9. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Kungaboqar>

10. https://uz.wikipedia.org/w/index.php?title=Sho%CA%BBrlangan_tuproqlar&variant=uz-cyr